O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI

OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIMI VAZIRLIGI

NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

# UCHINCHI RENESSANSNING ILMIY-MA’NAVIY ASOSLARI

**mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya**

# TO‘PLAMI



**Navoiy shahri**
**2021-yil, 12-aprel**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIMI VAZIRLIGI**

**NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

**TARIX FAKULTETI**

**“MILLIY G‘OYA, MA’NAVIYAT ASOSLARI VA HUQUQ TA’LIMI” KAFEDRASI**

# UCHINCHI RENESSANSNING ILMIY-MA’NAVIY ASOSLARI

## mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya

# T O‘ P L A M I

**Navoiy, 2021-yil 12-aprel**

Енди биз Экоцентристлик парадигмалардың философиялық мәниси ҳәм мазмунын ашып көрсетемиз.

Экоцентристлик парадигманың характерлик белгилери (өлшемлери) сыпатында төмендегилерди алып қараўымызға болады. Дүньяның иерархиялық картинасынан бас тартылады. Адамның қандайда бир айрықша артықмашылығы сол тийкарда, яғный оның ақылға ийе болыўы менен қабыл етилмейди, керисинше, оның ақыллығы оған қоршаған тәбиятқа қатнасында қосымша жуўапкершиликти жүклейди. Адамлар дүньясы тәбият дүньясына қарама қарсы қойылмайды, бәлки олар екеўиде бир пүтин системаның элементлери сыпатында алып қаралады. Адам ҳәм тәбияттың гармониялық раўажаланыўы ең жоқарғы қәдрият сыпатында белгиленеди: Бунда тәбият бирден бир қәдрият сыпатында баҳаланып, оның жасаўына хуқықы бар. Адам тәбияттың мүлкдары емес, ал тәбияттың ағзаларының бири ғана. Тәбият пенен өз ара тәсирдиң мақсети, адамлардың талаплары менен бир қатарда, тәбияттың да талапларын максимал қанаатландырыў болып табылады. Тәбиятқа тәсир, өз ара тәсир (адам ҳәм тәбият арасында өз ара тәсир) менен алмастырылды. Тәбият пенен өз ара тәсирдиң характери мына «экологиялық императив» пенен анықланды: Тек ғана сол нәрсе дурыс ҳәм рухсат етилген, егерде тәбияттағы экологиялық тең салмақлық бузылмаўға бағдарланса. Бунда биз Н. Моисеевтиң пикирине қосыламыз, неге дегенде, тәбият пенен жәмийеттиң биргеликтеги раўажланыўын экологиялық императив сыпатында қолланады. Н. Моисеев «Коэволюция шәраяты ҳәм экологиялық императив – бул тийкарынан синоним түсиниклер» – деп алып қарайды .

Этикалық нормалар ҳәм қағыйдалар адамлар арасындағы өз ара тәсир менен бир қатарда тәбият дүньясына өз ара тәсирине де бирдей әҳмийетке ийе болады. Тәбият ҳәм адамның раўажланыўы коэволюциялық процесс сыпатында алып қаралады. Тәбиятқа усыл емес, бәлки мақсет сыпатында қатнас жасалады. Демек, экологиялық сананың экоцентристлик парадигмасы - төмендегилер характерли болған дүнья ҳаққында көз қараслар системасы: а) адам ҳәм тәбият арасындағы қатаң қарама қарсылық бийкар етилип, экологиялық бир пүтинликке ориентирленеди, б) тәбияттың адам менен өз ара тәсиринде, тәбият объектлери толық тең хуқықлы субъект сыпатында қабыл етиледи, в) Тәбиятқа усыл емес, бәлки мақсет сыпатында қатнас жасаў сыяқлы характерлерге ийе. Бизиң пикиримизше, бул принциплерди мәқсетли реалластырыў экоцентрик моделди тәмийнлеўдеги методологиялық өлшеми болып хызмет етеди.

Әлбетте, Экологиялық жәмийет шәраятында экологиялық этикаға зәрүрлик артады. В. Лейбинниң пикиринше, экологиялық этика – мәденияттың экологиялық императивине тийкарланған шахс ямаса жәмийеттиң этикасы емес. Ол адам искерлигиниң универсал этикасы болып табылады .

Ҳәзирги Өзбекстан шәраятында экологиялық жәмийеттиң элементлери сыпатында бираз жаңаша механизмлер әмелге асырылмақта. Соның айқын дәлили сыпатында Миллий Парламентимизде Экологиялық ҳәрекеттен депуталардың сайланыў хуқықының берилиўи болып табылады.

Булардың бәри экоцентристлик моделдиң реал тийкарларының әстен ақырынлық пенен әмелге асырылыўы есапланып, өз нәўбетинде бул парадигма ҳәзирги күни “адам-тәбият”, “тәбият-жәмийет” системаларының өз ара қатнасының методологиясы сыпатында хызмет етип демографиялық процесслерге күшли тәсирин тийгизеди.

## ЎЗБЕКИСТОН УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОСТОНАСИДА. ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАР ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

**Ф.У.Темиров, т.ф.ф.д. (PHD)**
**Бухоро давлат университети**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад этиб белгиланди. Шунинг учун, аввало, Ренессанснинг тарихий илдизлари ва асосларини, Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз чуқур англаб олишимиз зарур. Сўнгги даврда Марказий Осиё ва қўшни ҳудудларда олиб борилган тарихий, археологик ва этнографик тадқиқотлар мазкур минтақада қадимги Шарқ цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос ўрин тутганлигини кўрсатувчи кўплаб ашёвий далилларни юзага чиқарди. Уларга асосланиб, “Марказий Осиё цивилизацияси”, “Ўрта Осиё цивилизацияси”, “Турон ёки Туркистон цивилизацияси” каби тарихий тушунчалардан илмий тадқиқотларда кенг фойдаланилмоқда”.

**“Ренессанс”** сўзи французча **“Renaissonce”,** итальянча **“Rinascimento” –** қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ, қайта тирилиш, уйғониш - деган маъноларни англатади**. “Уйғониш”** истилоҳи илк бор XVI асрда меъмор, мусаввир ва санъат тарихчиси Жорж Вазари (1511-1574) томонидан Ғарбий Европада буржуа муносабатлари ривожланишининг дастлабки босқичи билан шартланган тарихий

даврни тавсифлаш учун қўлланилган[40]. Ушбу истилоҳнинг ҳозир биз билдирган маъноси франг тарихчиси Жюль Мишле (1798-1874) томонидан XIX асрда жорий қилинди. Тарих фанига "Мусулмон Ренессанси" тушунчаси таниқли Австрия шарқшуноси Адам Мец (1876-1946) томонидан XX аср бошларида, янада аниқроғи, 1909 йилда киритилган. Адам Мецнинг 1909 йилда "Мусулмон Ренессанси" номли фундаментал асари чоп этилган[41]. Шундан буён Ренессанс фақат Европага оид ҳодиса эмаслиги, уни Шарқ халқлари европаликларга нисбатан аввалроқ бошдан кечиргани тўғрисидаги қарашлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Россиялик шарқшунос олим, академик Н. Н. Конрад Ренессанс VII-VIII асрларда Хитойда бошланиб, VIII асрда Ҳиндистонда давом этгани, ундан IX-XII асрларда ислом мамлакатлари эстафетани қабул қилгани, мўғул истилоси туфайли анча пасайиб қолган юксалиш Амир Темур ва темурийлар даврида яна қайта гуркураб ўсганини таъкидлайди. У Ўрта Шарқ Уйғониш даврини Алишер Навоий замонасигача чўзади. Жавоҳарлал Неру Бобурни ҳам Ренессанснинг типик вакили, деб баҳолаган эди. Мазкур ўлкалар қадимий цивилизация бешигидир.

Собиқ совет даврида тарих ва ўқув адабиётларида фақат Ғарб Уйғониш даври ҳақида гап борарди. Шарқдаги Уйғониш жараёни ҳақида эса лом-лим дейилмасди. Чунки тарих фанида европоцентризм ғояси ҳукмрон, Ғарб илғор, Шарқ қолоқ ақидаси устувор эди. Ваҳоланки, ўша даврда австриялик олим А.Мец, рус олими Н.Конрад Шарқ Ренессанси ҳақида холисона фикрларини билдиришган. Ўзбек олимларидан И.Мўминов, М.Хайруллаев, Ф.Сулаймонова, Б.Қосимов, Т.Ширинов ҳам Шарқ Уйғониш даври ҳақидаги теран фикрларни салмоқли асарларида баён этган.

Темурийлар Ренессанси-Мусулмон Ренессанси Шарқ тамаддуни тожидаги жавоҳирлардан бири саналиб, уни ўрганишга бағишланган баъзи тадқиқотлар яратилди. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи маротаба: ***"Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман"***[42], деб таъкидлагани бежиз эмас.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келган. Бу ҳақда исломга қадар мавжуд манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, "Авесто"да ҳам маънавий муҳит, илм-фан ва таълим-тарбия хусусида ўз даври учун илғор ғоялар илгари сурилган. Ўзбекистон ҳудудлари тарихан Буюк ипак йўлининг маркази ва унинг турли тармоқлари кесишган нуқтада жойлашган. Шунинг учун Шарқ ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидаги инсонлар ҳамиша Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Насаф (Қарши), Кеш (Шаҳрисабз), Тошкент, Фарғона каби кўҳна маданият марказларига интилганлар.

Биринчи Шарқ Уйғониш даври - IX-XII асрларда минтақамизда юз берган "Мусулмон Ренессанси" ҳисобланади. Шарқ Уйғониш даврида буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиққан. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, фалсафа соҳасида Абу Наср Форобий, Ибн Рушд, Муҳаммад Ғаззолий, Азизиддин Насафий, тиббиёт соҳасида Абу Али ибн Сино, тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий, шеъриятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, рассомчиликда Камолиддин Беҳзод баракали ижод қилганлар. Уларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига мислсиз ҳисса қўшди.

Иккинчи Шарқ Уйғониш даври - XIV-XVI асрлардаги иккинчи "Темурийлар Ренессанси"дир. Бунда Амир Темур бунёд этган улуғ салтанатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ҳозирги даврда жаҳонга "ҳали-ҳануз ўз таъсирини ўтказаётган Ўрта Осиё цивилизацияси асосчиси", қолаверса, тарихда ҳам ўчмас из қолдирган буюк давлат арбоби, музаффар саркарда, моҳир дипломат, жонкуяр илм-фан ҳомийси, буюк бобокалонимиз Амир Темур асос солган салтанат ўзига хос салмоқли ўринга эгадир. "XV аср тақдирини белгилаб берган буюк сиймо"[43] - Соҳибқирон ва унинг ворислари Туркистон, Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Араб дунёсида бир ярим асрга яқин ҳукм суриб, марказлашган салоҳиятли туркий давлат ташкил этганди.

"Туркистоннинг суянган тоғларидан бири" - Амир Темур асос солган тамаддун XIV-XVI асрлар Турон тарихининг "олтин даври" - Уйғониш даврининг алоҳида босқичи "Мусулмон - Ренессанси" (А.Мец), "Шарқ Уйғониши" (Н.И.Конрад), ҳозирда "Темурийлар Ренессанси" номлари билан жаҳонда эътироф этилди ва тарихга абадий муҳрланди. Машҳур француз олими Люсьен Керен

---

[40] *https://uzhurriyat.uz/2020/12/02/uzbekiston-uchinchi-renessans-ostonasida-tarixiy-ildizlar-va-hozirgi-zamon/*
*41 https://uzhurriyat.uz/2020/12/02/uzbekiston-uchinchi-renessans-ostonasida-tarixiy-ildizlar-va-hozirgi-zamon/*
[42] https://kun.uz/news/time/bmt-bos-assambleasining-72-sessiasi.
[43] Амир Темур жаҳон тарихида. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б. 152.

таъкидлаганидек, “европалик ижодкорлар Амир Темурни Шарқ Ренессансининг бунёдкори сифатида қадрлайдилар”[44].

XV асрда бугун Соҳибқирон Амир Темур бобокалонимиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат, юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берган. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилган. Бу даврда шаҳарсозлик, меъморлик, тасвирий ва амалий санъат, наққошлик, зардўзлик, металлга бадиий ишлов бериш, хаттотлик, илм-фан ва таълим-тарбия, бадиий ижодиёт, китобат санъати ва кутубхоначилик, мусиқашунослик каби соҳалар ниҳоятда ривожланган. Туронзамин Ренессанси таъсири Хуросон ва Ҳиндистон, ҳаттоки Европа мамлакатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Европа халқлари Темурийлар Ренессансини теран таҳлил қилганлар.

Амир Темур илм-фан ва маданият равнақига кенг имкониятлар яратган, дин пешволари, олимлар, санъатшунослар, ёзувчилар, шоирларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатган. Бу олиймақом сиёсат натижасида Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичига асос солинган. XIV асрдаги улкан ва ёрқин сиймо - Амир Темур жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, Ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалари билан ер юзининг сайқали сифатида эътироф этиладиган Самарқанд шаҳрини ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбобидир.

Француз темуршуноси Л.Керен таъкидлаганидек: “Амир Темур инсоният ривожига ажойиб миниатюралар, тенги йўқ сирланган сопол идишлар, шеърият ва илҳомга тўла фалсафий асарлар яратилишига имкон яратган ўзининг улуғвор даври билан улкан ҳисса қўшган. Соҳибқирон бобомиз “Темурийлар Уйғониш даври” деб аталмиш сермаҳсул маданий меросга асос солган”[45].

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жадидлар амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этганлар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилганлар.

Президентимиз жорий йил Ўқитувчи ва мураббийлар кунидаги нутқида алоҳида эътироф қилганидек, жадидларимиз ўз олдига қўйиган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермаган. Улар ўша давр турли кимсаларининг туҳмат-маломатларига дучор бўлдилар. Дастлаб Россия подшоҳлиги, кейинчалик шўролар ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилган. Оқибатда миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати Ватанимиз учун ёрқин хотира сифатида қолди. Юртимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадиий мероси ҳозирги даврда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда биз учинчи Уйғониш даври остонасида турибмиз. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги тўрт йилда маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган Давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла чақиб кўрсак, навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Ўзбекистон эканига ҳеч кимда шубҳа қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, илм-фан соҳаларига сарфланаётган жами ҳаражатлар ўтган йиллар мобайнида қарийб 14% га ошган. Бу кўрсаткич 2018 йили умумий 528.8 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 603, 3 млрд сўмга ошган. Бироқ, бугунги кунда илм-фанни молиялаштириш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0.2% ни ташкил қилиб, йиллар давомида ўзгармай қолаяпти. Ушбу кўрсаткич жаҳон бўйича ўртача 1,7 фоизга тенг, хусусан Хитойда 2008 йилда 1,4 фоиздан 2,14 фоизгача, Корея Республикасида 3,1 фоиздан 4,5 фоизгача ошган[46]. Бундан ташқари, тармоқлар корхоналари томонидан илмий-тадқиқотларга буюртма бериш ва молиялаштиришдаги иштироки пастлиги давлат бюджетига оғир юк бўлиб қолмоқда. Сўнгги 3 йил мобайнида илм-фан соҳасига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар 2-3 мартагача оширилган бўлса-да, бу ўсиш суръати асосан илмий фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ойлик маошларини оширилишига йўналтирилиб, мамлакатда илмий ташкилотларнинг моддий техника баъзасини ривожлантиришга етарли маблағлар ажратилмасдан қолаяпти.

---

[44] Люсьен Керен. Амир Темур салтанати. – Тошкент, 2018. – Б. 86.
[45] Люсьен Керен. Амир Темур салтанати. – Тошкент, 2018. – Б. 103.
[46] https://mininnovation.uz/uz/news/2334.

Охирги йилларда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни ўзаро боғлайдиган мустаҳкам механизм босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Мамлакатимиз ривожланишида илм-фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган ислоҳотларнинг амалий натижаси сифатида 2017-2020 йилларда қатор илмий, таълим ва инновацион ташкилотлар (тузилмалар) ташкил этилди. 32 та илмий-инновацион тузилмалар (6 та технопарклар, 8 та илмий марказлар ва 18 та илмий- тадқиқот институтлари) ҳамда янги 29 та олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари шулар жумласидандир.

Президентимиз 2020 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, ***“Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда, “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залварли ютуқларимизнинг эътирофидир. Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш-Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади”.***

Чиндан ҳам, биз ана шундай бебаҳо меросга кўпинча фақат тарихий ёдгорликка қарагандай муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойликни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос жаҳондаги саноқли халқларга насиб этган. Масалан, биргина Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир қўлёзмаларга жаҳон аҳли ҳавас қилади. Алломаларимизнинг ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша барчамизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлайди.

Албатта, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни беш-ўн йил давом этмай, анча катта ва машаққатли даврни талаб қилади. Бунинг учун, аввало, минглаб истеъдодли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур. Президентимиз раҳнамолигида юртимизда улуғ ниятлар билан пойдевори қўйилаётган янги Уйғониш даврининг ёрқин саҳифаларга бой буюк тарихи яратилмоқда. Энг асосийси, фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг бош мақсади бўлиб қолади.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир. Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш - Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон - кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”, деди давлат раҳбари.

## ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

**Рўзиев Дилшод Убайдуллаевич**
**НавДПИ ўқув ишлари бўйича проректори**
**т.ф.н., доцент**

Ўзбекистоннинг эртанги кунига ишончни мустаҳкамлаш, аждодларга муносиб бўлиш учун ислоҳотларни илмдан бошлаш керак. Чунки илмсиз ҳеч бир соҳада натижа бўлмайди. Кейинги уч йилда бу борадаги муаммоларни самарали ҳал этиш, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу мақсадда қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу борадаги комплекс саъй-ҳаракатлар учун пухта ҳуқуқий замин яратилди. Мактабгача таълим, умумий таълим ва олий таълим тизими мазмунан ва сифат жиҳатидан янгиланиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз учун энг долзарб муаммолардан бири бу —бугунги замон талабларига мос кадрлар етишмаслигини, барча соҳада инновацион ва креатив фикрлайдиган, илғор технологияларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж жуда юқори эканини таъкидлаб келади. Чунки мураккаб ўтиш даврида мактаблардаги таълим сифати пасайиб кетди, коллежларда давомат номига юргизилди. Ижод мактабларининг йўқлиги, маданият ўчоқлари, тўгараклар фаолиятига эътибор қаратилмагани бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Шу боис Президентимиз Ш. Мирзиёев бу масалага ўз ташвиши ва дардидек қаради, юртимизнинг эртанги куни замонавий кадрларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб, бунинг учун таълим тизимини тубдан

**М У Н Д А Р И Ж А**

**Kirish so'zi**
Navoiy davlat pedagogika instituti rektori, professor B.B.Sobirov.......................................4

**1-SHO'BA. O'ZBEKISTONDA YANGI UYG'ONISH – UCHINCHI RENESSANS ZARURIYATI**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИДИР
Сулаймон Иноятов, Бухоро давлат университети профессори, т.ф.д.......................................................5

ТАРИХ САБОҚЛАРИ ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЗАРУРАТИ
Абдураҳим Панжиевич Эркаев, Қарши давлат университети профессори, ф.ф.д..................................8

ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ
Яхшиликов Жўрабой Яхшиликович, фалсафа фанлари доктори, профессор. СамДУ...........................13

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИ ВА НУФУЗИНИ ОРТИБ БОРИШИ МАСАЛАЛАРИ
Ерметов Аваз Абдуллаевич, ЎзМУ Тарих факультети проф. в. б., т.ф.д...............................................15

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШДА МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ ВА ТАРИХ САБОҚЛАРИ
Дониёров Алишер Худойбердиевич, ТошДШУ профессори, тарих фанлари доктори.........................16

РАЗВИТИЕ НАУКИ В КОНТЕКСТЕ РЕННЕСАНСА
Сафарова Нигора Олимовна
ф.ф.д., проф. заведующая кафедрой Общественых наук НавГПИ, Навоий ……………………………18

ЎЗБЕКИСТОН УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОСТОНАСИДА: ЖАДИДЛАР ОРЗУЛАРИНИНГ УШАЛИШИ
Дилноза Жамолова,т.ф.ф.д. (PhD), Бухоро давлат университети............................................................20

ҮШИНШИ РЕНЕССАНСТЫҢ ТИЙКАРЫ – АДАМ ФАКТОРЫ: ДЕМОГРАФИЯЛЫҚ ӨСИЎГЕ ТӘСИР ЕТИЎШИ ФАКТОРЛАР
Ниязимбетов Марат Кудиярович, ӨзР ИА Қарақалпақстан бөлимине қараслы қарақалпақ тәбийғый илимлер институтының үлкен илимий хызметкери, философия илимлеришиң докторы.....22

ЎЗБЕКИСТОН УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОСТОНАСИДА. ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАР ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН
Ф.У.Темиров, т.ф.ф.д. (PHD), Бухоро давлат университети.........................................................23

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ
Рўзиев Дилшод Убайдуллаевич, т.ф.н., доцент, НавДПИ проректори..................................................26

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ
Ғаниев Камолидин, тарих фанлари номзоди, доцент. СамДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси..............28

БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ЭРКИНЛИГИ МАСАЛАСИ
Шаҳобиддин Холбоев, Давлат бошқаруви академияси тингловчиси.........................................................29

РЕНЕССАНСГА АСОС БЎЛГАН ОМИЛЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ
Ҳ.О. Хушвақтов, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ТДАУ................................................32

INSONIYAT TARIXI – TARQQIYOT TARIXI
Abuyev Husan Odilovich. t.f.f.d. (PhD),
NavDPI, Milliy g'oya ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi kafedrasi.........................................................34